

Илмий ҳақиқатми ё Аллоҳнинг сўзларими?

Image not found or type unknown



09:05 / 01.11.2018 3251

Қуръони карим оятларидан бирида:

السَّمَاءُ فِي يَضَعُكُمْ أَنَّمَا حَرَجًا صَبِيحًا صَدْرُهُ، يَجْعَلُ يُضِلُّهُ، أَنْ يُرِدَّ مِنْ لِلِاسْلَمِ صَدْرُهُ، يَشْرَحُ يَهْدِيَهُ، أَنْ اللَّهُ يُرِدُّ فَمَنْ

«Аллоҳ кимни ҳидоят қилмоқни ирода қилса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир. Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир», дейилади (Анъом сураси, 125-оят).

Одамлар фазога самолёт, ҳаво шари ва бошқа воситалар ёрдамида кўтарилла бошлагандан сўнггина, ҳавонинг юқори табақаларида кислороднинг камайишини билиб олдилар. Юқорига кўтарилган сари нафас олиш қийинлашиб, кишининг юраги сиқила бошлаши ҳодисасини эндиликда ёш бола ҳам билади. Лекин бу ҳақиқат на катталар ва на алломалар англаб етмаган бир замонларда Қуръони Каримда айтилган экан-ку!

Қуръон ояти «...**кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўяди**», демоқда. Қолаверса, бу ҳам пасттекисликлардан иборат, тоғлари унча баланд бўлмаган бир диёрда яшовчи саводсиз одамнинг илмий ҳақиқатими ёки бутун оламларни йўқдан бор қилган Аллоҳ таолонинг сўзларими?!

Атомнинг бўлиниши

Қуръони каримнинг Юнус сурасида шундай оят бор:

﴿مُّبِينٍ كَتَبْنَا فِي الْإِنشَاءِ كَبْرًا وَلَا ذَلِيلًا مِنْ أَصْغَرَ وَلَا السَّمَاءِ فِي وَلَا الْأَرْضِ فِي ذَرَّةٍ وَتُقَالِ مِنْ رَبِّكَ عَنْ يَعْرُبٍ وَمَا

«На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоридаги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса Роббингдан ғойиб бўлмас, балки очиқ-ойдин китобдадир» (61-оят).

Инсон билган нарсаларнинг энг кичиги зарра (атом) ҳисобланади. XIX асргача олимлар ўртасида «атом бўлинмайди», деган фикр бор эди. Бир неча ўн йиллар давомида кўпгина олимлар атомнинг таркибини ўрганиш борасида тажрибалар олиб бордилар. Натижада атом ҳам таркибий қисмларга парчаланишини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Атом электрон, протон ва нейтронга бўлинар экан.

Қуръони каримда келган «**заррадан, яъни атомдан кичикроқ нарса ҳам Аллоҳдан махфий қолмайди**» деган мазмундаги оят атом ҳам бўлакларга бўлинишига ишорадир. Яна Қуръони каримда «осмонда ҳам» деган сўз бор, бундан келиб чиқадики, ердаги атомлар билан осмондаги атомларнинг хусусиятлари бир хил экан.

Инсоф билан айтинг-чи, бундан 15 аср муқаддам ўқиш ва ёзишни ўрганмаган Муҳаммад исмли бир киши атомнинг хусусиятларини қаердан ўрганган? Атомнинг бўлиниши ва унинг осмонда ҳам, ерда ҳам бир хил хусусиятга эга бўлишини қандай қилиб билган? Шу мисолнинг ўзи ҳам

Қуръони каримнинг илоҳий китоб эканлигига ёрқин далил эмасми?!

“Иймон” китобидан